

Ўзбекистон ва АҚШ етакчилари икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар



19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси тадбирлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатлари Президенти Жозеф Байден билан учрашуви бўлиб ўтди.

Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. АҚШ Президенти мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳамда Янги Ўзбекистонда амалда оширилаётган ва муқаррар тус солган ислохотлар сиёсатини қатъий қўллаб-қувватлашини тасдиқлади.

АҚШнинг етакчи компания ва банклари билан амалий ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суришга тўхталиб ўтилди.

Ишбилармонлар билан ўтказилган икки томонлама учрашувлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифидан олдин ўтган бизнес форуми яқунлари мамнуният билан қайд этилди.

Инсон ҳуқуқлари, гендер тенглик соҳаларида ҳамда инсон фаровонлигини таъминлашнинг бошқа йўналишларида конструктив ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Манба